

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ПЕРСЕН® День

Ўсимликлардан олинган тинчлантирувчи восита

Доривор валериана (*Valeriana officinalis* L.) Доривор лимон ўти (*Melissa officinalis* L.) Қалампир ялпизи (*Mentha piperita* L.)

Препаратнинг савдо номи

ПЕРСЕН® День

Чиқарилиш шакли

Қобик билан қопланган таблеткалар

Таърифи

Думалоқ шаклли, икки томонлама қавариқ, шоколад-жигарранг рангли қобик билан қопланган таблеткалар.

Таркиби

Бир таблетка қуйидаги фаол моддаларни сақлайди:

- 35 мг валериана (*Valeriana officinalis* L.) илдизларининг қуруқ сув-спиртли экстракти;
- 17,5 мг лимон ўти (*Melissa officinalis* L.) барглариининг қуруқ экстракти;
- 17,5 мг қалампир ялпиз (*Mentha piperita* L.) барглариининг қуруқ экстракти;

Ёрдамчи моддалар: микрокристалл целлюлоза, маккажўхори крахмали, кросповидон, лактоза моногидрати, тальк, магний стеарати, сувсиз коллоид кремний диоксиди, гипромеллоза, кармеллоза натрий, повидон, кальций карбонати, глицерин, сахароза, монтангликол муми, темир оксиди (E172), титан диоксиди (E171).

Фармакотерапевтик гуруҳи

Ўсимликлардан олинган бошқа ухлатувчи ва седатив воситалар.

АТХ коди: N05CM.

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Персен День юмшоқ тинчлантирувчи таъсирга эга ўсимликлардан олинган препаратдир. Валериана илдизлари экстракти тинчлантирувчи самарага эга. У нерв зўриқиш симптомларини енгиллаштиради, уйқусизлик ҳолатида эса уйқуга кетишга ёрдам беради. Қалампир ялпиз барглариининг экстракти валериана илдизлари экстракти билан мажмуада анъанага кўра тинчлантирувчи восита сифатида қўлланади.

Лимон ўти барглари экстракти препаратнинг тинчлантирувчи таъсирини тўлдиради.

Персен День кучлироқ препаратларни қўллаш асосланмаган, неврозларни даволашнинг бошланғич босқичларида қўлланади.

Фармакокинетикаси

Валериана илдизлари, доривор лимон ўти барглари ва қалампир ялпиз экстрактларининг фармакокинетикаси юзасидан маълумотлар йўқ.

Қўлланилиши

Персен День қуйидагиларда қабул қилиш тавсия этилади

- енгил, вақтинча нерв зўриқишлари симптомларини енгиллаштириш учун (юқори ақлий зўриқиш, безовталиқ, кўзғалувчанлик) ва (ёки)
- уйқуга кетиш билан вақтинча қийинчиликлар (уйқусизлик) да қўлланади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Валериана илдизлари, доривор лимон ўти барглари, қалампир ялпиз барглари экстрактлари, ментол ёки препаратнинг ҳар қандай ёрдамчи моддаларига юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

Қўллаш усули ва дозалари

Овқатланишдан қатъий назар, сув билан ичга қабул қилинади.

Катталар ва 12 ёшдан ошган ўсмирлар

Юқори ақлий зўриқишда, безовталиқ ёки кўзғалувчанликда: 3-4 таблеткадан кунига уч марта.

Уйқусизликда: 3–4 таблетка уйқудан бир соат олдин.

Препаратнинг таъсири аста-секин намоён бўлади. Оптимал самарага эришиш учун таблеткаларни камида 2 хафта давомида узлуксиз қабул қилиш керак.

Қабул қилиш давомийлиги чекланмаган. Персен День препаратини тавсия этилган дозаларда узоқ вақт қабул қилиш кўникиб қолиш ёки бекор қилиш синдромини чақирмайди.

Агар препаратни 14 кун қабул қилгандан кейин симптомлар сақланса ёки зўрайса, шифокор билан маслаҳатлашинг.

Персен День 12 ёшгача бўлган болалар гуруҳида қўллашнинг клиник тажрибаси йўқлиги туфайли, ушбу ёш гуруҳдагиларни қўллаш тавсия этилмайди.

Қабул қилишни ўтказиб юбориш

Агар Сиз таблеткани қабул қилишни ўтказиб юборган бўлсангиз, уни иложи борича тезроқ қабул қилинг. Агар кейинги дозани қабул қилиш вақти яқинлашган бўлса, уни одатдаги схемага мувофиқ қабул қилинг.

Ўтказиб юборилган дозани ўрнини тўлдириш учун дозани икки марта қабул қилманг.

Махсус кўрсатмалар

Ўт-тош касаллиги ва ўт чиқариш йўлларида бошқа касалликлари бўлган пациентлар қалампир ялпиз барглари препаратларини қўллаганларида эҳтиёткорликка риоя қилишлари керак.

Гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги (жиғилдон қайнаши) бўлган пациентлар қалампир ялпиз барглари препаратларини қўллашдан сақланишлари керак, чунки уларни қўллаш жиғилдон қайнашини кучайтириши мумкин.

Ёрдамчи моддалар ҳақида маълумот

Препарат лактоза ва сахароза сақлайди. Айрим қандларни ўзлаштираолмаслик бўлганида, уни қўллашдан олдин шифокор билан маслаҳатлашинг.

Ҳомиладорлик ва эмизиш даври

Агар Сиз ҳомиладор бўлсангиз, ҳомиладорликка гумон қилаётган ёки режалаштираётган бўлсангиз, ёки бола эмизаётган бўлсангиз, ушбу дори препаратни қабул қилишдан олдин даволовчи шифокор ёки фармацевт билан маслаҳатлашинг.

Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида препаратни қўллаш хавфсизлиги аниқланмаган, шу туфайли эҳтиёткорлик чораси сифатида Персен День препаратини ушбу даврда қабул қилиш тавсия қилинмайди.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Агар Сиз ҳозирги вақтда ҳар қандай препарат қабул қилсангиз ёки яқинда қабул қилган бўлсангиз ёки қабул қилмоқчи бўлсангиз, шу жумладан рецеттсиз бериладиган препаратлар, шифокорингизга ёки фармацевтга хабар қилинг.

Бошқа дори воситалари билан ўзаро фармакологик таъсирини баҳолаш бўйича маълумотлар чегараланган. CYP2D6, CYP3A4/5, CYP1A2 ва CYP2E1 изоферментлари иштирокида метаболизмга учрайдиган препаратлари билан клиник аҳамиятли ўзаро таъсири аниқланмаган.

Синтетик седатив воситалар билан мажмуавий даволаш тавсия қилинмайди. Уни мавжуд тиббий кўрсатмалар бўлганида ва шифокорнинг доимий кузатуви остида амалга оширилади.

Агар Сиз қандай препаратларни қабул қилаётганингизни билмасангиз шифокорга ёки фармацевтга мурожаат қилинг.

Транспортни бошқариш ва техника билан ишлаш қобилиятига таъсири

Персена День препаратини қўллаш автомобилни бошқариш ва техника билан ишлаш қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Унинг таъсири остида автомобилни бошқармаслик ёки техника билан ишламаслик керак.

Ножўя таъсири

Барча дори воситалари каби, Персен День барчада ҳам ривожланмайдиган нохуш реакциялар чақирishi мумкин.

Тез-тезлиги номаълум (мавжуд маълумотлар асосида баҳолаб бўлмайди):

- ўзини ёмон ҳис қилиш (кўнгил айнаши);
- қорин соҳасида спазмлар.

Ушбу симптомлар валериана илдизи препаратларини ичга қабул қилгандан кейин пайдо бўлиши мумкин.

Қалампир ялпиз ичга қабул қилингандан кейин гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги (жиғилдон қайнаши) симптомлари кучайиши мумкин.

Бирон-бир нохуш реакциялар юзага келганда шифокор ёки фармацевтга мурожаат этинг. Бу шунингдек йўриқномада таърифланмаган кузатилиши мумкин бўлган нохуш реакцияларга ҳам тааллуқли.

Дозани ошириб юборилиши

20 г валериана илдизига тахминан тенг дозани (Персен День препаратининг тахминан 103 таблеткасига мос келади) бир марта қабул қилиш толиқиш, қорин соҳасида спазмлар, кўкрак қафасида сиқилиш, бош айланиши, қўлларни титраши ва қорачиқларни кенгайиши каби ўтувчан симптомларни чиқариши мумкин. Ушбу симптомлар 24 соат давомида ўтиб кетади. Агар Сиз Персен День препаратининг дозасини ошириб юборсангиз ва таърифланган симптомлар 24 соатдан ортиқ сақланса, дарҳол шифокорга мурожаат этинг. Бундай симптомлар юзага келганда тутиб турувчи даволаш ўтказилади. Доривор лимон ўти ва қалампир ялпиз препаратларининг дозасини ошириб юборилиши ҳолатлари таърифланмаган.

Ўрами

40 таблеткадан картон қутида.

Сақлаш шароити

Болалар ололмайдиган жойда, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Яроқлик муддати

2 йил.

Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин. Яроқлилик муддатини яқунланиши санаси кўрсатилган ойнинг охириг қуни бўлиб ҳисобланади.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз берилади.

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг эгаси

Лек д. д., Веровшкова 57, Любляна, Словения.

Ишлаб чиқарувчи

Лек д. д., Тримлини 2д, Лендава, Словения.

Истеъмолчиларнинг эътирозлари «Сандоз» компаниясининг маҳаллий бўлими ёки электрон почта манзили: drugsafety.cis@novartis.com га юборилсин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътироз (таклиф) ларни қабул қилувчи ташкилот ном ива манзили

«Сандоз Фармасьютикалз д. д.» ваколатхонаси

100015, Тошкент ш., Ойбек кўч., 24 уй.

Тел: 78 147 03 35